

## КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИМКОНИАТЛАРИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатда ҳалол рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яратди. Бозор шароитидаги кўпгина ўзгаришларга тезда мослаша оладиган бу мўъжаз тармоқнинг, айниқса, жойларда бандлик масалаларини самарали ҳал этишда ўрни бекиёсдир.

### □ Бандлик

Янгийўл шаҳрида фаолият кўрсатаётган "WELLTEX" масъулияти чекланган жамияти трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, айти кунда корхонада 80 дан ортиқ хотин-қизлар бандлиги таъминланган.

— Корхонамиз аёллар ва болалар учун енгил кийим-бошлар ишлаб чиқаришга

ихтисослашган бўлиб, ҳозирги кунда 15 турдан зиёд маҳсулотларимизни Германия ва Россия давлатларига экспорт қилаёмиз, — дейди корхона раҳбари Нафиса Абдувалиева. — Ички бозор талабига кўра, эркаклар учун мавсум-боп кийим-кечаклар тикишни ҳам йўлга қўйдик, натижалар чакки бўлмапти. Насиб этса, тез орада ишлаб чиқариш



ҳажмини кенгайтириб, экспорт салоҳиятини ошириш ниятидамиз. — Коллежни тамомлаб, ўзимга мос иш тополмаётган эдим, — дейди тикувчи Дилдора Маҳмудова. — Янги тикувчилик корхонаси фаолият бошлаганини эшитиб, тўғри шу ерга келдим. Ишхонам

уйимга яқин, ойлик маошимиз яхши. Тиккан маҳсулотимиз ҳажми ва сифатига кўра кўшимча иш ҳақи ҳам тўланади. Келажакда мен ҳам ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман.

Ўз муҳбиримиз  
Мансур ХИММАТОВ  
олган суратлар



### □ Ҳамкорлик

Янгийўл шаҳрида Жанубий Корея давлатининг Янгсан шаҳридан таширф буюрган делегация аъзоларини кутиб олиш муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Жанубий Кореянинг қатор фирма ва компаниялари вакиллари сўзга чиқиб, ҳамкорлик доирасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

## ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ САНОАТ ЗОНАСИ ИШ БОШЛАЙДИ



Мутахассисларнинг таъкидлашича, шаҳарни 2021 йилгача бўлган даври учун инвестиция концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Россия ва бир қатор МДХ давлатлари томонидан жами 31 млн. 690 минг АҚШ долларлилик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 377 та янги ишчи ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Шаҳарнинг инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий ҳамкорлар билан муҳим алоқаларни ўрнатиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги делегацияси 2019 йил 25 март — 2 апрель кунлари Жанубий Корея давлатида амалий сафарда

бўлишган эди. Учрашувлар чоғида Жанубий Кореянинг Янгсан шаҳар ҳокимлиги ва савдо палатаси билан "Биродарлик келишув"и ҳамда Янгийўл шаҳрида "Янгсан санат зонаси"ни ташкил этиш бўйича меморандум имзоланган. Ушбу келишув ва меморандумга асосан Янгсан шаҳрининг йирик компаниялари ва ташкилотлари томонидан 8 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Шунга асосан, шаҳар ҳудудида жойлашган эски ғишт заводи ўрнида "Янгсан санат зонаси" ташкил этилди. Ҳозирча лойиҳалар қиймати 21 млн. 490 минг АҚШ доллар кунлари Жанубий Корея давлатида бўлиши кутилмоқда. Бу қиймат иш

жараёнига қараб яна ўсиб бориши мумкин. Ушбу хорижий инвестиция лойиҳалари тўлиқ ишга тушиши билан 200 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

2021 йилгача мўлжалланган инвестиция концепциясига асосан шаҳар ҳудудини қўшимча 129 гектарга кенгайтириш ишлари олиб боришмоқда ва келгусида хорижий корхоналар сони 40 тадан ортиши кўзда тутилган.

Шу кунни Жанубий Корея делегацияси ва Янгийўл шаҳри ҳокимлиги томонидан "Янгсан санат зонаси"нинг тамал тоши қўйилди.

Ўз муҳбиримиз  
Рашид ГАЛИЕВ  
олган сурат

## ТАШАББУСГА МОНАНД ИНТИЛИШЛАР



Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус юзасидан Бўка туманида амалга оширилётган кенг қўламли ишлар бошланганига бир ойдан ошди. Ўтган кунлар мобайнида китоб, мусиқа асбоблари, спорт анжомлари, сўнгги русумдаги компьютер техникалари орттилган қарвонлар туманга янги ҳаёт олиб келди.

Бунёдкорлик, маънавий-маданий ишлар туман аҳолиси, айниқса, ешлар ва хотин-қизлар ҳаётини янги мазмун билан бойитмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг амалий ифодасини айти кунларда Бўка тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари ҳаётида яққол ҳис этиш мумкин. 2-умумтаълим мактаби тумандаги энг йирик ва салоҳиятли ўқув даргоҳларидан бири. Мактабга таширфимиз чоғида билим масканида ўтказилаётган қизгин тадбирлар, турли мусобақалар устидан чиқдик. Айтиш жоизки, мактабда спортга эътибор жуда катта.

Ажойиб футболчи, Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, марҳум Александр Шадрин айнан шу мактабнинг собиқ битирувчиси эди. Мактабнинг саккизинчи синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган. А. Шадрин хотирасига бағишланган турнир кўпчиликда илқ таассурот қолдирди. Турнирнинг фаол иштирокчилари мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, мактабда Дилфуза Худойкулова раҳбарлигида мусиқа сабоқлари намунали тарзда олиб борилаётган. Ўзидан зиёд ўқувчилар хор тўғарагига қатнашди. Президентимиз томонидан мактабга совға қилинган замонавий пианино

ёрдамида дарслар янада жонли ўтишига эришилмоқда.

Мактабда китобхонликка, китоб мутлоасига алоҳида эътибор билан ёндашилади. Хусусан, ўтказилган китоб акцияси давомида мактаб кутубхонасига 1000 га яқин китоблар совға қилинди. Кутубхонада доимий равишда ўқилган китоблар муҳокамаси, "Мен севган асар", "Биз севган китоблар" сингари суҳбат ва мунозаралар ўтказиб борилади. Аббос Мавлонов, Ҳавас Абдулазизова каби эзқо, ёш китобхонларнинг фаоллиги, ҳозиржавоблиги диққатга сазовор.

Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинаётган. Хусусан, информатика хонасида 24 та компьютер мавжуд бўлиб, уч нафар ўқувчи фаолият олиб боради. Дарсдан ташқари компьютер тўғараги ҳам ташкил этилган. Мактаб ва маҳалланинг етмишдан зиёд ўғил-қизлари бўш вақтларини компьютер хонасида ўтказишади.

Худди шунингдек, тумандаги 5-умумтаълим мактабида ҳам Президентимизнинг бешта ташаббусига бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мактабда оғзадан зиёд ўқувчилар спорт тўғаракларига жалб этилган.

Давоми 2-бетда

Зулфия аянинг зурриётларидан 3 нафарини Тошкентда бўлиб ўтадиган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимга таклиф қилишганида оила аъзолари жуда ҳаяжонланишди, озгина ишонқирамай ҳам қолишди. Бир оиладан бир эмас, уч кишини таклиф қилишса-я, бир гап бўлса керак, деб ўйлашди улар.

## МАТОНАТ МАДҲИЯСИ

### Эҳтиром

Богда оила аъзоларини иззат-икром билан қарши олишди. Турдан жой кўрсатишди. Бу илтифотларнинг замирида нахотки Зулфия аянинг, унинг садоқатли келинларининг, фронтдан қайтмаган беш нафар ўғлининг жасорати ётган бўлса?! Таажжуб.

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган 25-умумтаълим мактабига Зулфия Зокированинг номи берилган эди. Кейинчалик бу ном олиб ташланди. Чоғроққина кўча Зулфия ая Зокирова номи билан аталадиган

бўлди. Бугун мазкур қўчанинг тўрт хонадонига аянинг набира-абиралари ва ундан кейинги авлодлари яшайди. Каттагина сулола. Фронтдан қайтмаган жангчи йигитларнинг ҳар бирида ўнлаб набира, абиралар бор. Ўйларини файзли, дастурхони маъмур, ўзига тўқ, маҳаллада ҳурмат-эътиборга эга. Бу мартабага улар ҳалоллик ва садоқат эвазига эришганлар. Аниқроғи, бу фазилатлар сулола вакиллариининг ҳар бирига катта бувилади Зулфия ая Зокировадан мерос бўлиб қолган.

### Хонободда бир ҳовли бор...

Таклиф қилинганларнинг қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатсак, унга "Матонат мадҳияси" деб ном берсак, бунга нима дейсизлар?

Бу сўзлар бог узра баралла янграганда, биргина Зулфия аянинг зурриётлари эмас, барча тадбир қатнашчилари ўз ҳаяжонларини яшира олмадилар. — Бизнинг катта бувимизга, уларнинг фарзанду келинларига бу қадар ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилишини сира ҳам ҳаёлимизга келтирмаган эдик, — дейди момонинг абираси Фарҳод Мамажонов. — Бу мамлакатимизда олиб борилаётган адолатли ва доно сиёсатнинг яна бир намоёнишидир. Биз, бугун халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида ҳалол меҳнат қилиб келаётган Зулфия аянинг 100 дан ортиқ авлодлари ана шундай хайрли ташаббусни бошлаган муҳтарам Президентимиздан бир умр миннатдормиз.

Давоми 2-бетда

15 май — Халқаро оила кун

МЕҲР  
МАНЗИЛИ,  
БАХТ ОШЁНИ



2-3

## ЖИМ ТУРИНГ, ШОВҚИНЛАМАНГ, ОРОМГОҲЛАР УЙҚУДА

Шундай оромгоҳга фарзандингизни юборасизми?

Бола тарбиясида оромгоҳларнинг аҳамияти жуда катта. Оромгоҳга борган бола ҳам маданий, ҳам маънавий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда, билимларини янада бойитади. Янги дўстлар орттиради. Улар билан фикр алмашиб, дунёқарашини кенгайтиради.

Маълумотларга қараганда, жорий йилда вилоятимиздаги ёзги оромгоҳларга жами 34 минг 810 нафар бола қамраб олиниши кўзда тутилмоқда.

Болаларни сифатли соғломлаштирилиши ва марокли дам олишлари учун оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, санитария-



гиена ҳолати, таълим-тарбиявий, ташкилий ишлар юзасидан муҳим вази-

фалар белгиланиб, уларнинг ижросига аллақачон киришилган.

Ҳўш, топириқлар ижроси қай даражада бажарилапти? Вилоятимиздаги оромгоҳлар мавсумни рисоладагидек ўтказишга тайёрми? Умуман олганда, мавжуд оромгоҳлардаги ҳақиқий аҳвол қандай?

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан вилоят тасарруфидagi оромгоҳларнинг ёзги мавсумга нечоғли тайёрглиги ўрганилди.

3

## ТАШАББУСГА МОНАНД ИНТИЛИШЛАР

Бошланғич 1-бета

Президентимиз томонидан спорт зали учун 5 турдаги 10 та жиҳоз, жисмоний тарбия ўқитувчилари учун спорт кийимлари тақдим этилди. Болалар футбол, баскетбол, волейбол, стол теннис ва шахмат-шашка тўғралакларидан фаол қатнашишмоқда. Бундан ота-оналар ҳам мамнун.

Мактабда Жумадилло Назаров раҳбарлигида хор жамоаси ташкил этилган. Унга 16 нафар ўқувчилар қатнашади. Умида Холмуродова етакчилигида рақс тўғралакка эса 22 нафар қиз жалб этилган. "Моҳир қўллар" тўғралакда ўқувчиларга тикиш ва тўқиш сирлари ўргатилмоқда. Нозима Айнакулова раҳбарлигидаги расмчилик тўғралакка эса 26 нафар ёш мусаввир қамар олинган. "Ёш дастурчи ва компьютер сабоқлари" тўғралакда 60 нафар ўқувчи Дилафрўз Раҳматуллаева сабоқ беради.

Яқинда "Китоб карвони" орқали мактабимизга 84 номдаги 163 дон китоб совға қилинди, – дейди мактаб директори Шоира Мамажалилова. – Ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси, китобхонликка катта эътибор қаратаёلمиз. Қолаверса, собиқ битирувчилар, ота-оналар ҳам бизга ёрдам беришапти.

Дарҳақиқат, мактабга ота-оналар 120 дан ортиқ, битирувчи ўқувчилар 50 дан зиёд китоблар совға қилиб, кутубхона фондини янада бойитишди.

Беш ташаббуснинг бешинчи йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси ҳам яққол кўзга ташланиб қолди. Туманнинг "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида ишга туширилган "Бўстон баракка чеварлар" масъулият чекланган жамияти бир ой ичида қуриб, фойдаланишга топширилди. Корхонага 114 та тикув машинаси, 8 та дазмол, 8 та сифат назорати ускунаси ўрнатилди. Қайта тайёрлов курсидан ўтган 150 нафар хотин-қиз ишга қабул қилинди. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Яқин кунларда яна 2 та ана шундай корхона ишга туширилиши режалаштирилган.

Тумандаги "Ёшлар боғи" кўзни қувватладиган даражада манзара касб этган. Бу ерда замонавий аттракционлар ўрнатилди. Волейбол, баскетбол, стол теннис майдончалари ташкил этилди. Қирқдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ободонлаштириш ишлари кенг кўлабда давом этмоқда.

Ашуралӣ  
БОЙМУРОДОВ

### Мозийдан бир саҳифа

Бошланғич 1-бета

Холмат бува билан Зулфия ая ўттиз йил бирга яшашди. Беш ўғил, бир қизли бўлишди. Жамоа хўжалигида ишладилар. Ўғиллари Исоқжон билан Аҳмаджонни уйлантирганларидан сўнг, Холмат бува вафот этди. Бу онахон ҳаётидаги илк қийинчилик эди. Энг оғир синовлар, асосий қийинчиликлар ҳали олдинда эканлигини соддагина қишлоқ аёли билмасди. Рўзгорни аянинг ўзи тебратди. Беш ўғил, икки келини билан далада ишлади. Меҳнат қилган кам бўлмас экан, вақти келиб Мамажонни, ундан кейин Ваҳобжонни уйлантирди.

Ая тўрт келин билан бир хонадонда аҳил яшади. Бир ўғли ветеринар, яна бири ҳисобчи, кейингиси аравақаш, тўртинчиси сувчи бўлиб ишлади. Кенжа ўғли Юсуфжон ўқишга кирди. Уруш арафасида Тошкент педагогика билим юртини тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университети-нинг физика-математика факультетида ўқиди. Кейинчалик тахсилни Москва шаҳрида давом эттирди. Уруш бошланганида Юсуфжон ўша ердан фронтга отланди. Бу йигит бенишон кетди. Шукри, қолган тўрт ўғилдан зурриёт қолди.

Уруш йилларида Зулфия ая тўрт келин ва беш нафар набира билан яшади.

– Отам урушга кетганларида 5 яшар бола эдим. Бувимнинг қўлида катта бўлдим. Яхши эслайман,

рида умр бўйи ўғилларини бағирларига қорлаб ўтганларини қайта-қайта такрорлар эдилар, – дейди аянинг набира келини Саноат Маҳмудова. – Фронтдан ким қайтса, биринчи бўлиб у киши кўргани борар, ўғилларини номма-ном айтиб, уларни кўрмадингми, деб

умр эшикка қараб, фронтга кетган ўғилларини кутиб яшади. Умид ва интизорлик билан кун ўтказди. Ҳар банда отам десин, онам десин, лекин, болам деб бўзламасин экан. Зулфия ая 15 йил давомида, яъни умрининг сўнгги нафасига қадар болам деб

асизат чекди. Ўн беш йил тик этса, эшикка қаради. Ўғилларим ҳақида бирор-бир хабар эшитар эканманмикин, деб интизорлик ранжини чекди...

сўрар эканлар.

Яқинлари қора хатни онадан беркитишган. Лекин, онанинг кўнгли сезар эди. Умид энг сўнгги дамгача ҳам сўнмас экан. Она бир

асизат чекди. Ўн беш йил тик этса, эшикка қаради. Ўғилларим ҳақида бирор-бир хабар эшитар эканманмикин, деб интизорлик ранжини чекди...



### "Жойи чиқса, турмуш қуринглари..."

Бир ёнда рўзгор ташвиши, турмуш кечириш осон эмас эди. Қорин қайғуси бир тараф. Майли, уни кетмон чопиб, мол боқиб, сигир соғиб эпла-са бўлади. Лекин, тўрт келиннинг тўрт хил феъл-атвори бор. Уларнинг ҳар бири билан ҳисоблашиш лозим. Ая "Яхши сўзим – ризку рўзим", деган ақидани ўзига шиор қилиб олди. Келинларига бағри бутунлик чоғида дадил-дадил гапирар эди. Энди эса, "Ўғилай болам, айланай болажон", деб муносабат қиладиган бўлди. Бу ялинчоқлик эмас, унинг номи мурсоаи мадордир.

Келинлар ҳам хушмуомалага муносиб жавоб беришди. Бирортаси ҳам аразламади, "отаникига кетдим", деб, тугун тугмади. Қайноналари билан бир

бирларига эш бўлишди. Ўзаро баҳам-жихат яшашди. Бева аёлга осон бўлмаган. Улар ҳамиша турли гап-сўзларга яқин туришган. Ҳаётнинг ўзи шундай. Аянинг келинларига гап отганлар ҳам, пахта терими вақтида кўсак улоқтирганлар ҳам бўлди. Яхшики, Зулфия ая борақан, келинларига тоғдек қалқон бўлиб берди... Эҳтимол, беш боласидан баравар айрилган шу шўрпешонагина кампирни кўзлари қиймагандир...

Зулфия ая ўғилларининг қайтишига чин дилдан ишонарди. Лекин, барибир бир қарз гапни ўзидан соқит қилиб қўймоқчи бўлди. Уруш тугаган йилнинг кузагида тўрт келинни ёнига ўтказиб, "Айланай, болажонларим", дея алқаб гап-бошлади. Барча келинларидан

рози эканлигини икки-уч қарра қайтарди. "Тўрттовингиз ҳам эрдан ёш қолдингиз, энди жойи чиқса турмуш қуринглари, мен рухсат бердим, – деди. – Истасангиз болаларингизни ўзингиз билан олингиз, янги жойдан хавотир қилсангиз уларни ўзим оқ ювиб, тарайман, ўқитаман, эл-юртга қўшаман..."

Келинлар бараварига пиқиллаб йиғлаб юборишди. Бу розилик аломати эмас эди. Улар турмуш қилиб, кўз очиб кўрганларига бўлган садоқатларига пуртур етказишни, фарзандларини бировларга қарам қилишни истамадилар.

Зулфия Зокирова ҳамда унинг тўрт келини – Лазокат, Ҳамронисо, Ҳидоят ва Роҳатой аялар ҳам бева ўтишди, бор ҳаётини фарзандлари бахти қамоли учун бағишлагани афзал деб билдилар ва шундай қилдилар.

териалларни излаб топишди. Масалан, танкчилар командири бўлган зобит Юсуф Холматов Ленинград қамалини ёриб ўтиш учун бўлган жангларда мардларча ҳалок бўлган. Пискарёв қабристонига дафн этилган Мамажон Холматов эса 1945 йилда Польшада ҳалок бўлган экан...

лан яшади.

Ҳа, жангчи йигитлар қайтишмади. Улар аянинг ҳаёлида гўёки урушни ўзлари билан олиб кетишди.

Урушдан қайтмаган жангчи йигитларнинг фарзандлари ўз оталари, амакиларини жасорати ҳақидаги ма-

### Озода ПАРПИБЕКОВА, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

– Урушнинг барча азобу уқубатларини энг кўп тортган инсонлар муштирапар оналаримиз эканлигини давлатимиз раҳбари шу йил 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан таниганимиз. Зулфия ая Зокирова-нинг ҳаёти мисолида яққол кўрсатиб бердилар. Барчанинг кўз ўнгиде эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб билган, мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган она сиймоси намоён бўлди.

Айтишларича, аянинг беш нафар ўғли ҳам алп келбатли, паҳлавон ўғлонлар бўлишган экан. Келинларни аянинг ўзла-

## Дил сўзлари

ри танлаган эканлар. Улар ўзлари каби энг садоқатли ёр бўлишган. Ёрга садоқат – Ватанга садоқат, дегани. Бутун ҳаётлари давомида вафо ва садоқат тимсолига айланишди. Тасаввур қилинг, бир ҳовлида беш нафар бева аёл ва беш нафар норасида гўдак яшаган. Улар ҳижронни висол деб тасаввур қилишган ва ана шу ақидага содиқ қолишган. Бундай аёллар ҳар қандай эъзозга, чексиз ҳурматга сазовордир. Аини пайтда, чинакам ибрат тимсолидирлар.

### Моҳира ХҲЖАЕВА, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари:

– "Ёшларимиз кимдан ўрнак олиши лозим?", деган саволга ҳеч иккиланмай, Зулфия Зокировадан, унинг жасур ўғилларидан ва садоқатли келинларидан, деб жавоб берган бўлар эдим. Дарҳақиқат, бундай садоқат ва матонат, жасоратни таърифлашга тил ожиз. Зулфия аяни оғир, ўз вақтида шарафли умр йўли ўзбек халқининг, ўзбек аёлининг ҳақиқий жасорати ва матонатини акс эттиради. Зулфия ая ва унинг келинлари сира ҳам турмушларидан нолимадилар. Бориға шукр қилиб яшадилар. Бинобарин, уларнинг мақсади бойлик, зар, мато эмас, муносиб ва мардона яшашдан иборат бўлди. Матонат нима, сабр-чидам нима, тўғри йўлдан тоймаслик нима? Ёшларимиз айнан мана шу фазилатларини Зулфия ая ва унинг фарзандларидан ўрганишлари лозим.

Назаримда, бу аёл ҳақида романлар ёзиш, дostonлар битиш, кинофильмлар яратиш лозим. Токи, бизнинг момоларимиз қандай бўлганлигини ёшларимиз яхши билиб олишсин.

### Отабек АНОРБЕКОВ, вилоят "Маҳалла" жамоат фонди раиси:

– Инсон кўзгуга қараб, ўз қади-қоматини ростлайди. Эҳтимол, бу унчалик тўғри ҳам эмасдир. Ҳар бир ёш Зулфия Зокирова қабиларга қараб, турмуш тарзларини белгиласалар,

ватандошларимизнинг ҳаёт йўлларидан намуна олсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, маҳаллаларимизда бу каби олижаноб ва юксак фазилати оилалар кам эмас.

### Яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмайди

Зулфия ая ҳаётига назар солган киши беихтиёр қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Аёл" деган машҳур шеърини ёдга олади. Шоир мазкур асарини ким ҳақида ёзган экан – Зулфия ая Зокирова ҳақидами, унинг келинлари ҳақидами? Уларнинг ҳар бири аёлнинг муқаддас эканлигини ўз умр йўллари давомида исботлаб бердилар. Ҳадемай, Президентимиз ташаббуси билан барпо этиладиган Ғалаба боғи марказида Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатилди ва унга "Матонат маҳияси" деб ном берилди. Бу давлатимиз раҳбари тилга олган халқимизнинг "яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмайди" деган ибратли сўзига ҳамоҳанг эзгу иш бўлади. Ҳайкал ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонатини ифодаладиган бетакрор обидага айланади.

Алишер РАҲМАТОВ

**СУРАТДА:** матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли Зулфия Зокирова-нинг азамат фарзандларидан қолган ёдгорлик – набиралари бу-гунги оsoйишта кунларда бахтли-саодатли ҳаёт кечиришмоқда.

□ Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## МАҲАЛЛАДОШЛАР ИШОНЧИ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Шу кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида муҳим ижтимоий-сиёсий жараён – фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловлари бўлиб ўтмоқда. Мухбирларимиз жойларда мазкур жараён қандай ўтаётгани ҳақида хабар қилишмоқда.



"Истиқбол" – Паркент туманидаги энг намунали маҳалла ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, зиёлилар маҳалласи, дейиш ҳам мумкин. Аҳолининг аксарияти янги-ча фикрловчи, теран мушоҳада юритувчи инсонлар бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, энг аввало,

ўз салоҳияти билан ҳудуд ривожига ҳисса қўша оладиган киши бўлиши керак. Маҳалладаги 3 мингдан зиёд аҳоли орасидан энг муносиб номзод саралаб олинишининг ўзи бир имтиҳон. Чунки, 198 нафар вақил қарши-сида дастур билан чиқиш қилиш, маҳалла ҳаётини янада яхшилашга ҳизмат қиладиган вазифаларни бирма-бир санаб бериш осон эмас.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига қўрсатилган номзодлар – Дилшод Алиев ва Зухридин Охунбоевни вақиллар жуда яхши

билишади. Ҳудуддаги 29-Болалар ва ўсмирлар санъат мактабиде бўлиб ўтган сайловда номзодлар ўз дастури билан йиғилганларни таништиришди. Ёшларни маънан бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, айниқса, кекса авлод вақилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги режалари билан ўртоқлашди.

Савол-жавоб жараёни ҳам кизгин тус олди. Шундан сўнг номзодга овоз бериш бошланди. 81 фоиз овоз олган амалдаги раис Дилшод Алиев "Истиқбол" маҳалласига оқсоқол этиб сайланди.



"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

### Чирчиқ шаҳридаги Ҳайдар Мақсудов номли маҳаллада 348 нафар вақил сайлаш ҳуқуқига эга бўлди. Улардан 247 нафари сайловда қатнашди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фуқаролар вақилларининг қарори билан тузилган кўмаклашувчи ишчи ғуруҳи томонидан доимий яшаб келаётган аҳолининг фикри инобатга олинди. Шунга қўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига Ботир Давронов ва Мамажон Шабанов номзоди тавсия этилди. Номзодларга ўз дас-

турларини баён қилиши учун барча имкониятлар яратилди. Ботир Давроновнинг дастурида белгиланган маҳаллани янада обод қилиш, тадбиркорлик, хусусан, оилавий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби ижтимоий маса-

лалар ечимига оид тақлифлар сайловчиларга маъқул бўлди. Яқунда кўпчилик овоз билан Ботир Давронов маҳаллага қайта раис этиб сайланди.

Жойларда сайловлар юксак ушшоқлик ва кўтаринчилик билан давом этмоқда.

■ Бугун – Халқаро оила куни

## МЕҲР МАНЗИЛИ,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, энг аввало, "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича изчил фаолият олиб бормоқда.

Маълумки 1993 йилда БМТ ассамблеяси томонидан 15 май – Халқаро оила куни деб эълон қилинган. Жорий йилда бу сана Ўзбекистонда илк бор нишонланмоқда. Мазкур сана муносабати билан марказ томонидан "Фаровон оиланинг бунёдқори бўлайлик!" шиори остида байрам тадбири ва "Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзуда илмий-амалий конференция ташкил этилиб, улми республика "Оила" маркази, туман ҳокимликлари, ҳамкор ташкилотлар, ибратли оилалар ва "Бўлғуси келин-қўвлар инновацион мактаби" тингловчилари иштирок этди.

Қуйида тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишинг:



### Дилором МАҲАМАДАЛИЕВА, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи:

– Оилаларни мустаҳкамлаш, замонавий, намунали оилаларни янада кўпайтириш, ажримларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йил 15 майдан бошлаб фаолият олиб бораётган вилоят "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг 22 та туман ва шаҳар бўлимлари бор.

Вилоятимизда бугунги кунда мавжуд 1 минг 26 та маҳалла фуқаролар йиғинида 807 минг 822 та оила истиқомат қилади.

Марказимиз томонидан оилаларни ўрганиш мақсадида ўнга яқин ижтимоий сўровномалар ташкил этилиб, унда 3000 дан ортиқ респондент иштирок этди. Мазкур илмий-тадқиқотлар орқали аҳолига қўрсатилган тиббий, коммунал хизматлар, уй-жой, иш билан бандлик ва оилавий муаммолар ўрганилди. Бу ҳақда мутасад-

ди ташкилотларга тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди. Ҳамкор ташкилотлар билан мазкур масалаларга ўз вақтида ечим топилишига эришилди. Фаолиятимизда асосий эътибор оилаларнинг репродуктив саломатлиги, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳалар бўйича билимини оширишга қаратилди. Хусусан, 500 га яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда қўрсатув, лавҳа, интервью ва мақолалар уюштирилди.

Асосий эътибор оилавий ажримларга қаратилиб, 774 та ажрим ҳолатида турган оилаларнинг 90 фоизи яраштирилди ва 974 нафар бола "тирик етим" бўлишининг олди олинди.

Келгусида оилалар мустаҳкамлиги йўлидаги ишларимизни яна давом эттирамиз.

Афсуски, ўрганишлар на-тижасида аксарият оромгоҳ-лар мавсумга тўлиқ тайёр эмаслиги аён бўлди. Тўғри, ўрганилган оромгоҳларнинг деярли барчасида ободон-лаштириш, қурилиш-таъмир-лаш ишлари бошлаб юбо-рилган. Аммо, бу ишлар қу-тилганидек эмас. Айрим оромгоҳлар гарчи мавсумга жуда оз фурсат қолган бўлса-да, ҳануз қиш уйқу-сида ётибди.

### "Ҳали вақт бор, албатта, улгурамиз"

Дастлабки манзил Бўстон-лик туманидаги "Чимён" ("Аммофос-Максам" АЖга қарашли), "Металлург", "Гул-зор" (Олмалик кон-металлур-гия комбинати қарашли), "Ёшлик" ("Ўзбеккомбинат" АЖга қарашли), "Хумо" (Нефть-газ ва кимё машина-созлик заводи АЖга қараш-ли), "Кимёгар" ("Максам-Чир-чик" АЖга қарашли), "Кела-жак" ("Тошкентпахтасаноат" худудий акциядорлик бир-лашмасига қарашли) ором-гоҳлари бўлди.

Аслида энг яхши оромгоҳ-лар ҳақида қанч кетганда, кўпчилик Бўстонлик тумани-даги оромгоҳларни эътироф этишади. Ҳўш, ҳақиқатан ҳам шундайми?

"Чимён" болалар оромго-

эса кишини хавотирга сола-ди. Тиббиёт хонасики шу ахволда бўлган, ҳожатхона ва душхоналардаги камчилик-ларни гапирмаса ҳам бўлади. Мавсумлар аниқланган кам-чиликларни бартараф этиш-га улгуришармикан? Ҳар ҳолда мавсум эшик қоқиб турибди. Бу саволга мутасад-дилар елка қисганча: "Ҳали вақт бор, албатта, улгура-миз", дея жавоб беришди...

Олмалик кон-металлургия комбинати қарашли "Ме-таллург" оромгоҳидамиз. Мазкур оромгоҳ 880 ўринли бўлиб, 4 сменада (15 кундан)

Шунингдек, "Ёшлик", "Ху-мо", "Келажак" оромгоҳлари-даги ҳолат ҳам, афсуски, қониқарсиз. Камчиликлар кўзга яққол ташланиб туриб-ди. Ажабланирлики, "Кела-жак" ва "Гулзор" оромгоҳла-рида мавсумга тайёргарлик бўйича смета ҳам тасдиқлан-маган.

Мана, сизга ҳақиқий ахвол, реал манзара. Таассуфки, юқорида санаб ўтилган оромгоҳларнинг барчаси мамлакатимизнинг ишлаб-чиқариш соҳасида пешқадам корхоналарига тегишли. Ўз тасарруфидаги оромгоҳлар-



## ЖИМ ТУРИНГ, ШОВҚИНЛАМАНГ, ОРОМГОҲЛАР УЙҚУДА

### Шундай оромгоҳга фарзандингизни юборасизми?

фаолият юритади. Бу ором-гоҳда ҳам муаммолар кўп. Ётоқхона ва душхоналар, су-зиш ҳавзаси капитал таъмир-га муҳтож. Худудда бирорта ҳам видеокузатув мосламаси йўқ. 130 та каравот эскирган.

Мазкур оромгоҳ мутасад-дилари ҳам мавжуд камчи-ликларни мавсумгача бартара-

ни рисоладагидек ҳолга кел-тириш учун уларда маблағ ҳам етарли. Аммо, мавсум-ларда ишларни кўнгилдаги-дек ташкил этишга ҳоҳиш йўқдек... Бўлмаса, мавсумга саноқли кунлар қолган бир пайтда оромгоҳларнинг қиё-фаси юмшоқроқ айтганда, бунчалик ҳароб бўлмасди...

### Бедарвоза оромгоҳ

Ўрганишлар Ангрэн шаҳ-ри, Паркент, Бекобод туман-ларидаги оромгоҳларда да-вом этди. Афсуски, бу ерда-ги ҳолат ҳам аввалгиларидан қолишмайди.

Масалан, Паркент тумани-даги "Бойчечак" ("Бойчечак-ором" МЧЖга қарашли) оромгоҳининг ётоқхоналари, маънавият-маърифат ва тиб-биёт хонаси, спорт майдон-часи, чўмилиш ҳавзаси, душ-хоналари таъмирталаб аҳ-волга келиб қолган бўлса-да, ҳалигача бирор ишга қўл урилгани йўқ. Худудни обо-донлаштириш, кўкаламзор-лаштириш ишлари ўз ҳоли-га ташлаб қўйилган.

Ангрэн шаҳридаги "Қамчиқ

автоўл" ихтисослашган йўллардан фойдаланиш уни-тар корхонасига қарашли "Йўлчи" оромгоҳи 5 сменада фаолият юритади. Эшикдан ичкари кириб борар экан-миз, ғалати ахволга дуч кел-дик. Мавсум давомида 1 минг 500 нафар болани қам-раб олишга мўлжалланган мазкур оромгоҳ худди ўғри тушган оғилхонадек хувиллаб ётибди. Ташландик ахволда-ги бинони қўрган киши унинг оромгоҳ эканига ишонмай-ди.

Тиббиёт, маънавият хона-лари, бинонинг том қисми таъмирталаб. Болалар мада-ний ҳордиқ чиқариши учун биронта бир жиҳоз (маса-лан, телевизор, радио)нинг ўзи йўқ. Ошхона ҳам етарли-ча жиҳозланмаган. Оромгоҳ-ни ўраб турувчи махсус тўсиқлар бузилиб, аҳоли то-монидан ўзбошимчалик би-лан эшиклар очиб олинган. Хуллас, мазкур оромгоҳ бош-қаларга нисбатан анча аб-гор.

Бекобод туманидаги "Йўл-чи" оромгоҳидаги ҳолат ҳам

Болалар ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишида оромгоҳлардаги муҳит ва шароит талаб даражасида бўлиши кераклиги ҳақида юқорида таъкидладик. Оромгоҳлар фақатгина вақт ўтказадиган масканга эмас, балки том маънода ҳар бир болага ҳам маъ-нан, ҳам руҳан мадад бўлувчи сиҳаттоғга айланмоғи жоиз. Шундай экан, мавсумга жиддий ҳозирлик кўрмасак, ота-она ва болаларнинг ишончини қозона олмаймиз. Демак, оромгоҳ эгалари ишни янада жадаллаштиришлари шарт. Негаки, вақт жуда оз қолди...

Ҳулумжон МИРАҲМЕДОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

### Қишлоқ мулкдорлари

Туяқушчилик мамлакатимизда янги тармоқ бўлишига қарамай, сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланмоқ-да. Хусусан, виллоятимизда ҳам бу жониворларни кўпайти-ришга қизиқиб, катта плантацияларда туяқуш парвариш-лаётганлар кўпаймоқда. Қишлоқ ҳўжалиги бошқармасининг маълумотларига кўра, Қуйи Чирчиқ, Зангиота ва Қибрай туманларида туяқуш кўпайтириш билан шуғулланувчи 3 та йирик тадбиркорлик субъекти фаолият олиб борапти.

## ХАРАЖАТИ ҚУШДЕК, ДАРОМАДИ ТУЯДЕК

Қибрай туманидаги "Chinobod Hayitboev Saydulla" фермер ҳўжалиги улар ичида энг каттаси. 2015 йилда таш-кил этилган мазкур ҳўжалик дастлаб Россиядан олиб ке-линган 24 бош туяқуш парва-риши билан ишини бошла-ганди. Ҳозирга келиб, улар-нинг сони 200 дан ошди.



Ҳўжаликда Хитойдан келти-рилган инкубатор цехи ёрда-мида ҳўжалар очирлиб, бу-юртма бўйича худудларга тар-қатилмоқда. Самарқанд, Бухо-ро, Жиззах, Фарғона, Наман-ган виллоятлари асосий ми-жозлардан ҳисобланади. Қолаверса, яқин кўшчилари-миз – Туркменистон, Қозоғис-тон ва Қирғизистондан ҳам келиб ишимиз билан қизи-қишмоқда. Шунингдек, ҳўжа-ликда дунёнинг турли минта-қаларидан олиб келинган туя-қушларни чапиштириб, иқлим шароитимизга мос насллар олиш борасида селекция ишлари ҳам бошлаб юборил-ган.

– Туяқушни илк бор теле-визорда кўргандим, – дейди фермер Муродилла Ҳусанов. – Шундан сўнг, бу жонивор-ларни ўзимизда боқиб кўрмоқчи бўлдим. Интернет орқали туяқуш парваришига оид маълумотларни излаб топиб, ўрганиб чиқдим. Кунт қилган одамга, уни боқиб, кўпайтириш қони фойда экан.

Яъни, туяқушнинг тухуми, те-риси, гўшти, патлари, кипри-йи, ҳатто, тирноқлари ҳам жуда харидордир.

Келинг, бир ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Битта туяқуш йилига ўртача 80 та тухум

қўяди. Боринги, 40 тасидан жўжа очтириб, яхшилаб пар-варишласангиз, уларнинг ҳар бири йилига ўртача 120-150 килограммгача эт босади. Қорамол ва қўйга солишти-риб кўрсангиз, даромаддаги фарқ ер билан осмонча. Шун-дан сўнг, дадиллик билан ишни бошлаб юбордик. Мана кўриб турганингиздек, нати-жа ёмон эмас.

Мурод аканинг айтишича, туяқуш баҳайбат кўрингани билан бир кўнда айтиш икки килограмм, жўжалари эса 200 граммдан озуқа истеъмол қилади. Кўк ўлар уларнинг сеvimли емиши ҳисобланади. Шунингдек, жўхори, pista ёрмалари ҳам берилади. Бар-ча емиши маҳаллий шароит-да етиштирилладиган махсу-лотлар. Туяқушлар яйловда ўзи ўт-ўлан топиб ейишни ёқтиради. Шунинг учун улар-ни кенгрок майдонларда боқ-қан маъқул.


– Туяқушлар гавдасига қарамай, жуда беозор жони-вор, – дейди фермер ҳўжа-лиги иш бошқарувчиси Ни-луфар Турсунова. – Озуқаси-ни вақтида бериб, жойини тоза сақласангиз яхши ри-вожланади. Жўжалари кунига бир сантиметрдан ўсади.

Маълумот учун: туяқушлар жуда тез кўпаяди ва касаллик-ларга ўта чидамли, иммуни-тети кучли парранда бўлиб, ҳар қандай иқлимга мосла-шувчан. Фақат оёғини синди-риб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак. Минус 20 даражадан плус 70 даражача бўлган шароитда бемалол ўсиб-ул-гайди. Туяқушлар 70 йилгача умр кўриб, 40-45 ёшгача ту-хум қўяди.

Дарвоқе, мазкур ҳўжалик-нинг ер майдони 45 гектарни ташкил қилиб, кўп тармоқли-дир. Бу ерда туяқуш парвари-шидан ташқари, ғалла, турли сабзавотлар етиштирилади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар



ҳида мавсум давомида 1 минг 800 нафар бола соғлом-лаштирилади. Маскан 360 ўринли бўлиб, 5 сменада фаолият юритиши белгилан-ган. Оромгоҳда мавсумга тайёргарлик ҳаминқадар. Камчиликлар, қилиниши ке-рак бўлган ишлар кўп. Хусу-сан, оромгоҳдаги йўлақлар талаб даражасида эмас, уларни қайтадан таъмирлаш лозим. Тиббиёт хонаси ва сузиш ҳавзасининг аҳволи

раф этишни таъкидлашдан чарчашмади. Қизик, капитал таъмир учун вақт озлик қил-масмикан?

Уч сменада 990 нафар бо-лани қамраб олишга мўлжал-ланган "Максам-Чирчик" АЖ-га қарашли "Кимёгар" ором-гоҳидаги вазият ҳам рисола-дагидек эмас. Мавсумга тай-ёргарлик, қурилиш-таъмир-лаш ишлари анча суст олиб борилапти. Бинодаги хиз-мат кўрсатиш объектлари (масалан, сузиш ҳавзаси) таъмирталаб.

◀ Бошланғич 1-бетда

## БАХТ ОШЁНИ

– "Оила" ИАТМ виллоят бошқармаси ташаббу-си билан "Соғлом оила – со-ғлом жамият" мавзусида саломат-лик ойлуги бўйича ўтказилган иж-тимой тадқиқотга тўхталиб ўтмоқ-чи эдим. Унга кўра, Зангиота, Пар-кент, Тошкент туманлари ва Олма-лик шаҳрида жойлашган 18 та касб-хуна қоллежининг 9 минг 175 на-фар ўқувчиси эндокринолог, орто-пед ва офтальмолог кўригидан ўтка-

Абдулла АБДУҲАЛИЛОВ,  
Республика ногиронлар ассоциацияси раиси ўринбосари, доцент:

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ер юзининг 15 фоиз аҳолиси, яъни, бир миллиарддан ортиғи ногиронлиги бор инсон-лардир. Афсусланирлики, бу рақамлар тайил-ҳарака-ти ҳодисалари, экологик факторлар, табиий офат ва бошқа турли муаммолар ҳисобида ўсиб бора-пти. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 176 та давлат қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТнинг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни қўллаб-қувватлаб имзолагани тахсин-

Юлдуз РОҲАТОВА,  
Ўрта Чирчиқ тумани ФХДё бўлими мудираси:

– Маълумки, оила сегви-муҳаб-бат, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ишончга асосланган кўрғон ҳисобланади. Шу сабабли виллоят "Оила" маркази билан ҳамкорлик-да оилани янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижти-моий-иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кенг қўламаи чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз.

Шулардан бирини, яъни 2018 йилда Паркент туманида "Бўлғу-си келин-куёвлар инновацион мак-таби" республикада пилот сифа-тида иш бошлаб, яхши самара

Фарида ҚОСИМОВА,  
виллоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш ишлари бўйича ўринбосари:

зилди. Тиббий кўрик таҳлиллари-да 2 минг 278 нафар ўқувчида йод танқислиги, кўз соҳаси ва таянч ҳаракат тизими касалликлари аниқ-ланиб, улар қузатувга олинди. Бун-дан ташқари, виллоятдаги умумтаъ-лим мактабларининг 23 минг 886 нафар ўқувчиси, мактабгача таълим муассасаларининг 3 минг 210 на-

га сазовор. Мамлакатимизда аҳоли сонининг икки ярми физици ноги-ронлар ташкил этади. Давлатимиз

томонидан ногиронлиги бор оилаларни қўллаб-қув-ватлаш мақсадида имтиёзлар берилгани, нафақа-лар тайинлангани, ўз вақтида тиббий кўриқлар таш-кил этилаётгани бизни жамиятда бошқа инсонлар билан бир қаторда кўнглимиз тўлиб баша, меҳнат қилишимизда катта қўмқўриқдир.

"Оила" маркази ҳам Республика ногиронлар асо-циацияси билан ҳамкорлик қилиб, имконияти чек-ланган, ногиронлиги бор оилаларни қўллаб-қувват-ласа, айна мудоаа бўларди.

берганини айтиб ўти-шим мумкин. Жорий йилда мазкур тажри-ба лойиҳаси оммалаштирилиб, виллоятимизнинг 22 туман ва ша-ҳарларида замонавий ва қулай шундай мактаблар очилгани ФХДё фаолиятини янги босқичга олиб чиқди, десак, асло ағлишмаймиз. Сабаби, ёшлар ФХДёга ариза берганларидан сўнг марказ томо-нидан ташкиллаштирилган ўқув курсларида оилавий ҳаёт учун зарур бўлган ҳуқуқ, иқтисод, пси-хология, дин асослари ва репро-дуктив саломатлик бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлмоқдалар.

Ушбу мактабни қисқа вақт ичи-да 800 ҳуфт ёшлар тугатиб, тур-



фар тарбияланувчиси ҳам тиббий кўриқдан ўтказилди. Улардан 1 минг 504 нафаридан йод танқисли-ги, 87 нафаридан таянч ҳаракат ти-зими ва 1 минг 238 нафаридан кўз касалликлари борлиги маълум бўлди. Уларни амбулатор ва кли-ник соғломлаштириш ишлари бош-лаб юборилди.

Истагимиз, ФХДё остонасидан ҳатлаган ҳар бир ҳуфтлик бир-бирларига садоқатли, сабрли бўлиб оилалари мустаҳкамлиги учун ҳаракат қилишсин.

Конференция қатнашчиларига "Оила энциклопедияси" ҳамда "Оилалар мустаҳкамлигини таъ-минлашдаги муаммолар ва улар-ни бартараф этиш йўллари" ном-ли китоблар тарқатилди.

Бундай тадбирлар бир ой да-вомида барча туман ва шаҳарлар-да давом этади.

"Оила" ИАТМ виллоят бошқармаси мутахассиси

Умида МАНСУРОВА таъйрлади

### Митти ҳажв

## ҲАММАБОП ҚАЛИТ

Ҳамкасбларимиздан бирининг юбилейи нишонланаётган эди. "Олтишвой"ни та-бриклаб яхши сўзлар айтил-ди, унга биров чопон, дўппи кийдирди, бошқаси гилам, гулдон тортиқ қилди.

– Юбилейга нима совға олиш тўғрисида кўп ўйландик, – деди сўзга чиққанлардан бири. – Ўзоқ маслаҳатлашиб ҳамма эшикларга туша-диган қалит тортиқ қилишни маъқул топдик. Даврадагилар ҳушёр тортиб, қулоқларини динг қилдилар.

– Бу қалит ҳаммага керак бўлади... ҳамма вақт керак бўлади. Бунақа қалитга эга бўлиш-га ҳаммамиз ҳар вақт интилиб келганмиз. Бу қалит ўзида бўлишини хушламайдиган одам ҳали дунёга келгани йўқ. Бу қалит қандай қуфл билан беркитилганидан катти назар кўплаб эшиклар, дарвозалар ва темир сандиқларни очигиға қодир. Мана ўша қалит!

Нотикнинг қўлида пул солинган конверт турар эди.

Ҳабиб СИДДИҚ

## ИНСОНИЙ БУРЧ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шиори остида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюш-масининг "Фахрийлар шўъбаси" аъзолари асарларининг бадиий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

### Кўргазма

Рангтасвир ва ҳайкалтарошлик йўналиши-даги мазкур кўргазмадан уруш хотираларига бағишланган "Хотира абадий", "Онаизор", "Ғолиб жангчи", "Ёдингда тут ўғлим", "Мусаф-фо осмон учун", "Мангуликка учиб кетганлар", "Хотира" асарлари билан бир қаторда тинч осмонимиз, ҳаловатли кунларимизни талқин этувчи "Билдирсой кенгликлари", "Ёмғирдан кейинги Чимён", "Чорвоқ оқшоми", шунинг-дек, генерал-майор Собир Раҳимов ва бошқа Ўзбекистонлик уруш қаҳрамонларининг порт-ретлари, натюрмортлар ўрин олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

### Хабарингиз борми?

## ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2019/2020 ўқув йили қабулдан бошлаб, давлат ОТМлари бакалавриятга ўқишга ки-риш учун абитуриентлар фақат Давлат таълим вақтлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интер-актив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиладилар.

Шунингдек, тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини ту-гатган абитуриентлардан (но-гиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахс-лар бундан мустасно) тест

синовларида иштирок эти-ши учун ЭКИХ ярим баравари(101 минг сўм) миқдори-да тўлов ундирди.

2020/2021 ўқув йили қабу-лидан бошлаб тест синови топириладиган фанлар мажмуасини икки бўлимга ажратиб, биринчи бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий учта фан – она тили (ўзбек, рус ёки қоралпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи, иккинчи бўлимга абитуриент ташлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фан киритилди.

©@haqiqatonline

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди Тош-кент виллояти муассасаси жамоаси муассаса ходими Турдали МАМАСОЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

# МИНГ ОШНОЛИК ЁЛҒИЗЛАР

Инсониятнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадидаги кашфиётлардан бири бу – интернет. Бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшлар бўш вақтини турли ижтимоий тармоқларда ўтказ-

моқда. Кимдир сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш ёки фанга доир маълумот олиш мақсадида фойдаланса, айримлар ижтимоий тармоқлар орқали янги дўстлар орттириш билан банд...

## Нуктаи назар

Хўш бунинг нимаси ёмон? Инкор қилиш ниятимиз йўқ. Лекин, танганинг иккинчи томони ҳам бор, деганларидек, айни пайтда ижтимоий тармоқларда яхши маълумот ҳам, ёмони ҳам тарқатилаётгани учун бу борада тўғри йўлни кўрсатувчи эслатмалар, унинг зарарли оқибатларини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Шу билан бирга тенгдошларимиз ижтимоий тармоқларда миллий-диний қадриятларимизга зид нарсаларни тарғиб қилаётган шахслар таъсирига тушмаслик йўлларини ҳам ўрганиб олиши лозим.

Бунинг учун ҳар биримиз ўзимизга савол бериб кўрайлик: ижтимоий тармоқлардан нима учун фойдаланаямиз? Интернет орқали ким билан дўстлашаётганимиз, мулоқот қилаётганимиз жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, инсоннинг дўсту ёрлари унга катта таъсир ўтказиши мумкин. Сўнги тадқиқотлар бу масалада ижтимоий тармоқлар ёрдам бермаслиги, аксинча, уларни кучайтиришини маълум қилди.



– Биз табиатиимизга кўра, ижтимоий мавжудотимиз, бироқ, замонавий ҳаёт бизни яқинлаштириш ўрнига бир-биримиздан узоқлаштирмоқда, – дейди Медиа, технология ва саломатлик тадқиқот маркази директори Брайан Праймак. – Афтундан, ижтимоий медиа мулоқотдаги бўшлиқни тўлдириш имконини беради. Бироқ, тадқиқот бу инсонлар умид

қилиши мумкин бўлган ечим эмаслигини кўрсатди.

Тадқиқот муаллифларининг таъкидлашича, кунига икки соатдан кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказувчи ўсмирлар интернетга 30 дақиқадан кам вақт сарфловчи тенгдошларига қараганда ёлғизликдан икки баробар кўп азият чекишар экан. Шунингдек, бир ҳафтада 58 марта ижтимоий тармоқларни "зиёрат" қилувчилар ҳафтасига тўққиз мартадан кўпроқ кирувчиларга нисбатан уч карра кўп ёлғизликка мойил бўлишар экан.

Яна муҳим жиҳати, зери-

киш ортидан чат, форум, фейсбук, телеграм, инстаграм ва твиттерлардан фойдаланиш яхшиликка олиб келмайди. Сабаби, айнан шунақа вақтда одам гийбатчиларга қўшилиб қолиши мумкин. Бир-бирини ҳақорат қилиши, тўхмат қилиши, обрўйига пугур етказиши, ҳаттоки жамиятда фитна уруғини сочаётганлар сафига қўшилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Айниқса, ёшларнинг қизиққонлиги, ноанъанавий жараёнларни билишга, кўришга ҳаракат қилиши салбий оқибатларга сабаб бўлаётти. Шу боис, интернет тармоқларидаги шайқатсизлик, зўравонлик, "оммавий маданият" кўринишларини тарғиб этувчи маълумотлар, видеолавҳалар уларни осонликча ўзига жалб этмоқда. Бу эса, афсуски, ёшларнинг миллий анъана, ўзбекона тарбия, одоб-ахлоқ меъёрларидан узоқлашишига йўл очиб бермоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Ахир, бугун ахборот уммони бўлган интернетни чеклаб ёки тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ.

Бу борада ижобий натижага эришиш учун биринчи галда билим ва тафаккуримизни бойитиш, интернет маълумотларидан ўринли ва оқилона фойдалана билиш кўникмасини, бир сўз билан айтганда, маънавий иммунитетни шакллантиришимиз зарур.

Нозимахон НУРМАТОВА,  
"Пифагор" ўқув маркази  
абитуриенти

## Шукрона



Инсонни камолот сари етакловчи миллий ва диний қадриятларимиздан бири Рамазон ойи билан боғлиқ маросимлардир. Бу ойда тугиладиган рўза инсонда ўз нафсини бошқара олиш, сабр-қаноатли бўлиш, мақсад сари собитқадамлик билан интилиш каби фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Рўза инсонни покликка даъват этади, унинг қалбини турли ғуборлардан тозалайди.

## ҒАНИМАТ КҮНЛАР ШУКУҲИ

Рўзанинг инсон соғлиғига катта фойдаси бор. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.): "Рўза тутинглар, соғлом бўласизлар", – деганлар. Бу ҳикматли сўзлар ҳозирги замон табobati томонидан ҳам исботлаган.

Рамазон ойи келганида Пайғамбаримизнинг (с.а.в) саховатлари янада ошиб кетар экан. Биз ҳам жанобнинг умматлари эканмиз, у зотдан ўрнак олиб, рамазон кунлари оиламизга, қариндош-уруғларга, маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга қўлимиздан келганича моддий ёрдам беришимиз, беморларни бориб кўришимиз керак. Чунки, бу амаллар, айниқса, ушбу муборак ойда кўп савоб бўладиган ишлардандир.

Зеро, муборак Рамазон ойида қилинган хайрли амалларга савоблар янада кўпайтириб берилади. Шундан умидвор бўлиб мўмин-мусулмон халқимиз рўзадорларга ифторлик дастурхони ёзади. Албатта, рўзадорга ифторлик қилиб беришнинг савоби улуглиги ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ҳадислар вори бўлган. Бироқ, хайру эҳсон дегани фақат дастурхон ёзиш дегани эмас. Бал-

ки, моддий жиҳатдан қийналган хонадонлар, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйларига хайру саховат қилиш айни кунларда энг улуг савобли амал саналади.

Биз ифторлик дастурхони атрофида ўтирганимизда бир нарсани устидан мулоҳаза қилмоғимиз лозим. Ҳозир дунёда қанчадан қанча одамлар очлик-сувсизлик азоби-ни тортмоқдалар, миллионлаб гўдаклар очликдан нобуд бўлмоқда. Бир луқма таом ёки бир бурда нонга зор бўлганлар қанча. Аллоҳга шукрим, бизнинг юртимизда тўкин-сочинлик. Лекин, исрофдан тийилмасак, бунинг оқибати яхши бўлмайди. Шу сабабли, ифторлик-ни оила иқтисодида зарар етказмайдиган ҳолатда, ҳар

бир оиланинг имкониятидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказиш эса шариятимиз руҳига мос тушади.

Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак ҳадисларида:

"Қайси бир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишининг тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас", – деб марҳамат қилдилар.

Бу ойда бирор сабабга кўра аразлашган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро уэр сўрашадилар. Зеро, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ушбу саодатли кунларда мустақил Ватанимиз истиқболи порлоқ, тинчлиги ва осоишталлиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зини бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

## Сўраган эдингиз

**Савол:** Иссиқ кунда рўзадорнинг бурни қонаб кетса, қонни тўхтатаман деб бошини тепага кўтаргани учун қон ичига кетиб қолса, рўзаси бузилдими?

**Жавоб:** Бузилади ва қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди. Рўзадорнинг бурнидан қон келиб қолса, қонни тўхтатишда рўзасини бузмасликка, қонни томоғига кетказмасликка ҳаракат қилиши керак.

**Савол:** Ёш болани эркалаб-ўпиш билан рўза очилдими?

**Жавоб:** Йўқ. Ўпиб-эркалаш билан рўза очилмайди.

"Мўминнинг қалқони" китобидан.

Реклама ўрнида

# «Ўзметкомбинат» АЖ касаба уюшмаси кўмитаси

юртдошларимизни ва барча металлурглари комбинат ташкил этилганлигининг

75 йиллиги ҳамда касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!



Мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларингизга омад ва зафарлар тилайди.  
Хонадонингиздан файзу барака, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин.  
Байрамингиз қутлуг бўлсин, азиз металлурглари!

«Ўзметкомбинат» АЖ касаба уюшмаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Ғайрат  
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:  
Нурафшон шаҳри,  
Тошкент йўли кўчаси, 90.  
Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:  
100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари:  
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:  
Электрон почталар: thaqiqat@mail.uz // th-p@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)  
(71) 233-70-10  
(71) 233-90-82  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар бошқармасида  
2011 йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер марказида  
теризли ва Тоҳир Махмудхўжаев  
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
Кўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА  
Назоратчи мусахҳиҳ  
Аллома АЗИЗОВА  
Навбатчи  
Жавлон ХАЛИЛОВ

Буюртма V-3404. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 590 нусхада чоп этилди.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00.